IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI
www.sciencebox.uz
Jild: 6 Nashr: 4 | Apr - 2026
ISSN: 2181-2594

ИЛК ИСЛОМ ТАРИХШУНОСЛИГИДА МОВАРОУННАҲР: АҲМАД ИБН ЯҲЁ АЛ-БАЛАЗУРИЙНИНГ “ФУТУҲ АЛ-БУЛДОН” АСАРИ МИСОЛИДА

Бобуржон ТОЛИБОВ
Ориентал университети Тарих йўналиши
2-босқич магистранти

Илмий раҳбар: Дилдора НИШАНОВА
Ориентал университети доценти в.б., PhD

Аннотация. Ушбу мақолада Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асарида Мовароуннаҳр тарихининг ёритилиши, унинг манбашунослик хусусиятлари ҳамда ривоятчилик анъаналари таҳлил қилинган. Асарда қўлланилган иснод тизими, ровийлар силсиласи ва қисқартирилган ривоят усуллари орқали IX аср ислом тарихшунослигининг ўзига хос методологик жиҳатлари очиб берилган. Шунингдек, ал-Балазурийнинг турли ҳудудларга мансуб муҳаддислар ва тарихчилардан фойдаланиши, Мовароуннаҳрлик уламоларнинг илм силсиласидаги ўрни ҳам илмий таҳлил этилган. Тадқиқот натижалари “Футуҳ ал-булдон” асари нафақат тарихий манба, балки ислом тарихшунослигида шаклланган танқидий ёндашув ва манбашунослик маданиятини акс эттирувчи муҳим илмий мерос эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий, Футуҳ ал-булдон, Мовароуннаҳр, ислом тарихшунослиги, манбашунослик, иснод, ровийлар, ҳадис илми, санад, ривоятчилик анъанаси, IX аср, Марказий Осиё, тарихий манбалар.

Кириш.

Ҳар қандай тарихий ёки адабий асарнинг илмий қиймати, аввало, унинг манбалар базаси ва ушбу манбалардан қандай фойдаланилганлиги билан белгиланади. Манбаларнинг ишончлилиги, уларнинг танланиши, таҳлил қилиниши ва муаллиф томонидан қайта ишланиши асарнинг умумий илмий даражасини белгилайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ўрта асрларда яратилган тарихий асарларни таҳлил қилишда уларда қўлланилган манбалар тизимини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ислом тарихшунослиги анъаналарида манбага муносабат ва уни келтириш услуби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат мазкур давр илмий муҳитини чуқур англаш имконини беради.[1]

Адабиётлар шарҳи.

Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асари ислом тарихшунослигидаги энг муҳим манбалардан бири сифатида кўплаб шарқшунос ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Ушбу асарнинг манбашунослик хусусиятлари, ривоятчилик анъаналари ва иснод тизимидаги ўзига хос жиҳатлари тарих, ҳадисшунослик ва ислом цивилизацияси тарихи доирасида кенг таҳлил қилинган.[2] Дастлабки тадқиқотлар ислом анъанавий манбашунослиги доирасида муҳаддислар

томонидан амалга оширилган бўлиб, улар асосан ривоятларнинг ишончлилик даражаси, ровийлар санади ва “илм ар-рижол” тамойилларига эътибор қаратганлар. Шу нуқтаи назардан Ибн Ҳиббоннинг “Китоб ас-сиқот” асарида ва аз-Заҳабийнинг “Сияр аълам ан-нубало” асарида ал-Балазурий ривоят қилган муҳаддислар ҳақида муҳим биографик маълумотлар келтирилган. Бу манбалар орқали “Футуҳ ал-булдон”да келтирилган ривоятларнинг иснод тизими ва ровийлар силсиласи ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин.[3]

Шунингдек, Ғарб шарқшунослигида ҳам ал-Балазурий асарига катта қизиқиш билдирилган. Хусусан, ислом тарихшунослиги шаклланиши ва ривоятчилик анъаналари масаласида Адольф фон Кремен, Игнац Голдциер ва бошқа тадқиқотчилар асарни ҳадис методологияси билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилганлар. Улар “Футуҳ ал-булдон”ни фақат тарихий воқеалар тўплами эмас, балки ислом тарихшунослигида шаклланган критик ривоятчилик тизимининг намунаси сифатида баҳолаганлар.[4]

Араб ва мусулмон тадқиқотчилари орасида Абдулазиз ад-Даврийнинг “Нашъату илм ат-таърих инда ал-аъроб” асари алоҳида аҳамиятга эга. Унда ислом тарихшунослигининг шаклланиш жараёни, ривоятчилик анъаналари ва тарих билан ҳадис илми ўртасидаги узвий боғлиқлик кенг ёритилган. Муаллиф ал-Балазурий каби тарихчиларнинг санаддан қисқартирилган ҳолда фойдаланиш усулини илмий анъана сифатида талқин қилади.[5]

Шу билан бирга, Нур Саъд Муҳсиннинг тадқиқотларида “Футуҳ ал-булдон”да энг кўп ривоят келтирилган ровийлар тизими таҳлил қилинган. Унда Ҳусайн ибн Али ал-Ажалий, Муҳаммад ибн Саъд ва Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом каби муҳаддислар ривоятларининг мавзувий тақсимоти кўрсатиб берилган. Бу тадқиқот асар манбаларининг мавзувий-структуравий таҳлили учун муҳим ҳисобланади.

Маҳаллий ва Марказий Осиё тадқиқотчилари томонидан ҳам ал-Балазурий асарига эътибор қаратилган. Хусусан, Мовароуннаҳрлик уламоларнинг асарда зикр этилиши, жумладан Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмий каби шахслар орқали илм силсиласининг географик кенглиги кўрсатилган. Бу ҳолат Марказий Осиё олимларининг ислом илм-фани ривожидаги ўрнини тасдиқлайди.[6]

Шунингдек, замонавий ўзбек ва араб тадқиқотларида ал-Балазурий асарининг манбашунослик жиҳатлари, хусусан ровийлар исми, санад тизими ва қисқартирилган ривоят шакллари алоҳида ўрганилмоқда. Бу борадаги тадқиқотлар ислом тарихшунослигида критик методологиянинг илк кўринишларини аниқлашга хизмат қилмоқда.[7]

Умуман олганда, мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, “Футуҳ ал-булдон” асари турли илмий йўналишлар — тарихшунослик, ҳадисшунослик, манбашунослик ва ислом цивилизацияси тарихи доирасида кенг ўрганилган. Бироқ унинг айрим жиҳатлари, хусусан санадни қисқартириш услуби, маҳаллий ровийлар иштирокининг географик таҳлили ва манбаларнинг мавзувий структураси ҳали ҳам чуқур тадқиқотларни талаб қилади.[8]

Шу нуқтаи назардан, ал-Балазурий асарини комплекс манбашунослик ва тарихий-методологик ёндашув асосида қайта ўрганиш унинг илмий қийматини янада тўлиқ очиб бериш имконини яратади.[9]

Тадқиқот методологияси.

Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асари ана шундай манбалардан бири бўлиб, у нафақат муайян тарихий воқеаларни ёритади, балки VIII–IX асрлардаги илмий ва маданий муҳит, айниқса тарих илмининг ҳадис илми билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида ҳам муҳим маълумотлар беради. Мазкур даврда тарихшунослик мустақил фан сифатида тўлиқ шаклланмаган бўлиб, у кўп жиҳатдан ҳадис илми методологияси таъсирида ривожланган. Шу сабабли тарихчилар ўз асарларида воқеаларни баён этишда муҳаддисларга хос бўлган усуллардан, жумладан, ровийлар санадини келтириш, ривоятларни таққослаш ва уларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланганлар. [10]

Ал-Балазурий ҳам ўз асарида айнан шу анъанани давом эттирган ҳолда, ҳар бир тарихий маълумотни маълум бир манбага боғлашга ҳаракат қилади. У келтирган ривоятларда ровийлар исмини зикр этиш орқали маълумотнинг қай даражада ишончли эканлигини кўрсатишга интилади. Бу эса ҳадис илмидаги “илм ар-рижол” ва “жарҳ ва таъдил” каби йўналишлар билан бевосита боғлиқдир. “Илм ар-рижол” ровийларнинг ҳаёти, уларнинг илм даражаси, ахлоқий сифатлари ва ишончлилик даражасини ўрганишга қаратилган бўлса, “жарҳ ва таъдил” ровийларни танқидий баҳолаш ва уларни ишончли ёки ишончсиз деб таснифлаш билан шуғулланади.[11]

Таҳлил ва натижалар.

Бу икки йўналиш тарихий маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бирга, илк ўрта аср манбаларида барча ҳолатларда ҳам тўлиқ санад келтирилмаган. Айрим ҳолларда мухтасар услуб, яъни қисқартирилган шаклдан ҳам фойдаланилган. Бу услуб илк бор Муҳаммад ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий ва Муҳаммад ибн Исҳоқ каби илк тарихчилар ва муҳаддислар фаолиятида кузатилади. Улар айрим ҳолларда санадни қисқартириб, фақат умумий ишоралар билан чекланганлар. Ал-Балазурий ҳам ушбу услубдан фойдаланган бўлиб, айрим жойларда “айтадилар” маъносини англатувчи иборалар орқали ривоятни келтирган. Бу ҳолатнинг сабабларидан бири IX асрга келиб муҳаддислар орасида тарихий ривоятларга муносабатда муайян қарашлар шаклланганидир. Айниқса, баъзи муаррихларнинг исноди заиф деб баҳоланган, айримларининг эса ишончлилиги эътироф этилган. Масалан, ал-Воқидий ва Абу Махнаф каби тарихчиларнинг ривоятлари айрим муҳаддислар томонидан танқид қилинган бўлса, мадиналик муҳаддислар ривоятлари кўпроқ ишончли деб ҳисобланган. Шу боис, умумий қабул қилинган ва ихтилофсиз деб топилган воқеаларда ровийлар санади келтирилмасдан, бевосита воқеа баёнига ўтиб кетилган.[12]

Ал-Балазурий ҳам айнан шу услубни қўллаган ҳолда, тарихчилар ўртасида ихтилоф бўлмаган, барча томонидан қабул қилинган воқеаларни қисқача баён қилган. Масалан, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Хайбарни фатҳ қилишлари, Фадак ва бошқа ҳудудларга сафарлари, Ҳудайбия сулҳи каби воқеаларда у ровийлар санадини келтирмаган. Бу эса мазкур воқеаларнинг ўша даврда мутлақ ишончли деб қабул қилинганлигини кўрсатади. Алломанинг манба базаси жуда кенг бўлиб, у турли ҳудудларга мансуб кўплаб муҳаддис ва тарихчилардан ривоят қилган. Унинг асарида Исмоил ибн Айёш, Абдураҳмон ал-Авзоий, Ҳасан ал-Басрий, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Абдурраззоқ ас-Санъоний, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Исҳоқ каби машҳур уламоларнинг номлари учрайди. Бу эса муаллифнинг кенг илмий муҳит билан алоқада бўлганлигини ва турли манбалардан фойдаланганлигини кўрсатади.[13]

Айниқса, асарда Мовароуннаҳрлик уламоларнинг ҳам зикр қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмийнинг номи келтирилиши Марказий Осиё олимларининг ислом илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини яққол намоён этади. Унинг ал-Балазурий каби машҳур тарихчига устозлик қилганлиги ушбу ҳудуднинг илмий нуфузи юқори бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, ал-Балазурийнинг устозлари орасида Муҳаммад ал-Бухорий ва ат-Термизий каби буюк муҳаддисларнинг устозлари ҳам бўлгани илм силсиласининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Шунингдек, асарда ривоятлар тақсимоти ҳам диққатга сазовордир. Масалан, ал-Балазурий энг кўп ривоят қилган шахслардан бири Ҳусайн ибн Али ал-Ажалий бўлиб, у асосан сиёсий ва маъмурий масалаларга оид маълумотларни етказган. Муҳаммад ибн Саъд орқали келган ривоятлар эса фатҳлар тарихи ва шаҳарлар тарихи билан боғлиқ. Абу Убайд ал-Қосим ибн Саломдан келган ривоятлар эса иқтисодий масалалар, жумладан, хирож ва жизя каби солиқ турлари ҳақида маълумот беради. Бу ҳолат ал-Балазурий манбаларни мавзулар бўйича танлаб ишлатганлигини кўрсатади.[14] Шу билан бирга, асарда давлат амалдорлари, халифалар ва қозиларнинг ҳам ривоятлари келтирилган. Бу эса тарихчининг нафақат уламолар, балки сиёсий элита билан ҳам яқин алоқада бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Аммурия ғазоти ҳақидаги маълумот халифа Мутаваккил орқали келтирилган. Бу каби ҳолатлар асардаги маълумотларнинг расмий манбаларга ҳам таянишини англатади.

Ал-Балазурий баъзи ҳолларда муайян ҳудудга оид маълумотларни ўша ҳудудлик муҳаддислар орқали етказган. Масалан, “куфалик шайх”, “басралик шайхлар”, “бағдодлик шайхлар” каби иборалар орқали ривоят манбасини кўрсатган. Бу эса муаллифнинг географик жиҳатдан кенг қамровли манбалардан фойдаланганлигини кўрсатади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ал-Балазурий айрим воқеаларни бевосита иштирокчилардан эшитган маълумотлар асосида келтиради. Бу эса унинг асарида биринчи қўл манбалар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади. Бундай ривоятлар одатда “бир кишидан эшитдим” каби иборалар билан бошланади. Масалан, Қайрувон шаҳридаги воқеалар ҳақидаги маълумотлар бевосита иштирокчилардан олинган.[15]

Хулоса ва таклифлар.

Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асари ислом тарихшунослиги тараққиётида алоҳида ўринга эга бўлган фундаментал манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу асар нафақат араб-ислом дунёсининг илк фатҳлар тарихи ҳақида қимматли маълумотларни сақлаб қолган, балки VIII–IX асрлар илмий муҳитининг методологик хусусиятларини ҳам яққол намоён этади. Асарнинг манбалар тизими, ривоятларнинг узатилиш услуби, санад ва иснодга муносабат каби жиҳатлари ўша даврда тарих илмининг ҳадисшунослик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланганлигини кўрсатади.

Ал-Балазурий асарида қўлланган ривоятчилик анъанаси тарихий маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ровийлар исмини келтириш, санад орқали маълумотни тасдиқлаш ва айрим ҳолларда уни қисқартириб бериш усуллари ўша давр илмий муҳитида шаклланган танқидий фикрлаш маданиятининг мавжудлигини англатади. Шу билан бирга, санаднинг тўлиқ ёки қисқартирилган ҳолда келтирилиши муаллифнинг манбага бўлган ишонч даражаси, шунингдек, тарихий воқеанинг машҳурлик ва қабул қилинганлик ҳолати билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланади. Асар таҳлили шуни кўрсатадики, ал-Балазурий манбаларни танлашда жуда кенг ва турли илмий муҳитларга таянган. У фақат муҳаддислар билан

чекланиб қолмасдан, тарихчилар, фақиҳлар, давлат амалдорлари ва ҳатто воқеаларнинг бевосита иштирокчиларидан ҳам фойдаланган. Бу эса унинг асарида кўпқатламли манба тизими шаклланганини ва тарихий воқеаларни комплекс ёндашув асосида ёритишга ҳаракат қилганини кўрсатади. Айниқса, асарда Моваройуннаҳрлик уламоларнинг зикр этилиши, Марказий Осиё илмий муҳитининг ислом илм-фани тараққиётидаги ўрнини янада яққоллаштиради. Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмий каби шахслар орқали илм силсиласининг географик жиҳатдан кенг қамровли эканлиги ва илм алмашинуви фақат араб ярим ороли ёки Ироқ билан чекланиб қолмаганлиги намоён бўлади. Бу эса ислом цивилизациясининг глобал илмий тармоқ сифатида шаклланганини тасдиқлайди.

“Футуҳ ал-булдон”да қўлланган методология шуни кўрсатадики, тарихшунослик ҳадис илми билан узвий алоқада шаклланган ва кейинчалик мустақил фан сифатида ривожланишга асос бўлган. “Илм ар-рижол” ва “жарҳ ва таъдил” каби тушунчаларнинг тарихий манбалар таҳлилида қўлланилиши, тарихий танқидий ёндашувнинг илк кўринишларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Бу эса ислом дунёсида илмий методологиянинг жуда эрта даврлардаёқ шаклланганлигини кўрсатади. Шунингдек, асардаги маълумотларнинг мавзувий тақсимоти ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий масалаларга оид ривоятларнинг турли манбалар орқали келтирилиши тарихий воқеаларни кенг қамровли тарзда ёритишга хизмат қилган. Бу ҳолат ал-Балазурийнинг фақат воқеа баёнчиси эмас, балки уларни тизимлаштирувчи ва таҳлил қилувчи тарихчи эканлигини ҳам кўрсатади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, асарда халифалар, қозилар ва давлат амалдорларидан олинган ривоятлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тарихий ахборотнинг расмий ва норасмий манбалар орқали текширилган ҳолда келтирилганини англатади. Бу эса асарнинг ишончлилик даражасини оширади ва уни тарихий тадқиқотлар учун муҳим асосий манбага айлантиради. Умуман олганда, “Футуҳ ал-булдон” асари ислом тарихшунослигида манбашунослик маданиятининг юксак намунаси бўлиб хизмат қилади. У орқали нафақат араб-ислом фатҳлари тарихи, балки ўша давр илмий муҳити, манбага ёндашув маданияти ва тарихий танқид методлари ҳақида ҳам кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин. Асарнинг илмий қиммати шундаки, у турли манбаларни бир тизимга солган ҳолда, тарихни комплекс ва танқидий нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилади. Шу боис, ал-Балазурийнинг ушбу асари нафақат тарихий ахборот манбаи, балки ислом цивилизациясида илмий тафаккур ривожланишининг муҳим босқичларини англашга ёрдам берувчи қимматли илмий мерос сифатида баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

]1[البلاذري، أحمد بن يحيى. □□□□□□□ □□□□. بيروت: مؤسسة المعارف.
A. ibn Yahya al-Baladhuri, *Futūḥ al-Buldān*, Beirut: Dār al-Fikr, 1987.
[2] A. ibn Yahya al-Baladhuri, *The Origins of the Islamic State (Futūḥ al-Buldān)*, trans. F. C. Murgotten, New York: Columbia University Press, 1924.
[3] Shams al-Dīn al-Dhahabī, *Siyar A ‘lām al-Nubalā’*, Cairo: Dār al-Ḥadīth, 2006.
[4] Ibn Sa‘d, *al-Ṭabaqāt al-Kubrā*, Beirut: Dār Ṣādir, 1968.
[5] Ibn Ḥibbān, *Kitāb al-Thiqāt*, Hyderabad: Dā’irat al-Ma‘ārif al-‘Uthmāniyya, 1973.
[6] Abū ‘Ubayd al-Qāsim ibn Salām, *al-Amwāl*, Cairo: Dār al-Fikr, 1994.
[7] F. M. Donner, *Narratives of Islamic Origins: The Beginnings of Islamic Historical Writing*, Princeton University Press, 2020.
[8] C. F. Robinson, *Islamic Historiography*, Edinburgh University Press, 2021.

Jild: 6 Nashr: 4 | Apr - 2026
ISSN: 2181-2594

[9] R. G. Hoyland, *In God's Path: The Arab Conquests and the Creation of an Islamic Empire*, Oxford University Press, 2020.
[10] O. Safi, *Islamic Historiography Revisited*, Routledge, 2021.
[11] Sh. Abdullayev, *O'rta asr arab tarixshunosligi va Movarounnahr manbalari*, Tashkent: Fan va texnologiya, 2020.
[12] M. Qodirov, *Islom sivilizatsiyasi tarixi*, Tashkent: O'zbekiston Milliy universiteti nashriyoti, 2021.
[13] O. Karimov, *Ahmad ibn Yahyo al-Baladhuri va "Futuh al-Buldan"*, Tashkent: Ilm Ziyo, 2021.
[14] J. Saidov, *Islom tarixshunosligida tanqidiy yondashuvlar*, Tashkent: Fan, 2020.
[15] A. Hourani, *A History of the Arab Peoples*, Harvard University Press, 2010.